





## Ислом Нури

«...» :...  
...  
...)  
...).

Имом Абу Довуд Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қай бир киши кечаси туриб аёлини уйғотса ва биргаликда икки рақъат намоз ўқишса, Аллоҳни кўп зикр қилувчи эр ва аёллар қаторига ёзиладилар», дедилар.

...  
...» :...  
...  
...  
...)  
...).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафакун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сизлардан бирингиз ухлаган пайтида шайтон унинг бошининг орқасига учта тугун тугиб қўяди, ҳар бир тугунга (дам) уриб: «Ҳали тун узоқ, ухлайвер» дейди. Агар у уйғонса ва Аллоҳни зикр қилса, битта тугун ечилади. Таҳорат қилса, яна бир тугун ечилади. Намоз ўқиса, яна бир тугун ечилади ва у одам тетик, дили равшан бўлади. Акс ҳолда, ялқов ва дили хира бўлиб қолади», дедилар.

...)



## Ислом Нури

«...» :...  
...  
...  
...  
...)

Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анҳу шундай дейди: Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Албатта, тунда бир вақт борки, қай бир мусулмон бу вақтга Аллоҳдан дунё ва охирагининг яхшилигини сўраган ҳолда тўғри келса, унга тилагини албатта беради ва бу вақт ҳар кечада бўлади» деганларини эшитдим.

### Шарҳ:

Тунги намоз - таҳажжуд Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тарғиб қилган ва Аллоҳ таоло бу амал эгаларини мақтаб, уларга катта мукофотлар ваъда қилган ибодатдир. Фарз намозларидан кейинги энг афзал намоз таҳажжуд намози бўлиб, бу намоз Аллоҳ таолога суюкли ибодатлардан ҳисобланади, чунки ҳамма ҳам кечаси ширин уйқусидан кечиб Аллоҳнинг зикри билан қоим бўлишга муваффақ бўлавермайди.

### Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Кечаси туриб ўқиладиган таҳажжуд намози фазилати улуғ намозлардан.
2. Таҳажжуд намози ўқиш дилнинг равшан тортишига ва хушнудликка сабаб бўлади.
3. Эр-хотин бомдодга эртароқ туриб азондан аввал камида икки ракъат намоз ўқишлари уларни зокирлар сафига қўшади.